

390 - وَعَنْ أَبِي إِدْرِيسَ الْخَوْلَانِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ قَالَ: دَخَلْتُ مَسْجِدَ دِمَشْقَ؛ فَإِذَا فَتَى النَّبَايَا، وَإِذَا النَّاسُ مَعَهُ، فَإِذَا اخْتَلَفُوا فِي شَيْءٍ أَسْنَدُوهُ إِلَيْهِ، وَصَدَرُوا عَنْ رَأْيِهِ، فَسَأَلْتُ عَنْهُ، فَقِيلَ: هَذَا مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ، فَلَمَّا كَانَ مِنَ الْعَدِ، هَجَرْتُ، فَوَجَدْتُهُ قَدْ سَبَقَنِي بِالتَّهْجِيرِ، وَوَجَدْتُهُ يُصَلِّي، فَانْتَضَرْتُهُ حَتَّى قَضَى صَلَاتَهُ، ثُمَّ جِئْتُهُ مِنْ قِبَلِ وَجْهِهِ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، ثُمَّ قُلْتُ: وَاللَّهِ؛ إِنِّي لِأَحِبُّكَ لِلَّهِ، فَقَالَ: اللَّهُ؟ قُلْتُ: اللَّهُ، فَقَالَ: اللَّهُ؟ قُلْتُ: اللَّهُ، فَأَخَذَنِي بِحَبْوَةِ رِدَائِي، فَجَبَدَنِي إِلَيْهِ، فَقَالَ: أَبْشِرْ، فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: وَجَبَتْ مَحَبَّتِي لِلْمُتَحَابِّينَ فِيَّ، وَالْمُتَجَالِسِينَ فِيَّ، وَالْمُتَرَاوِرِينَ فِيَّ، وَالْمُتَبَاذِلِينَ فِيَّ» حَدِيثٌ صَحِيحٌ رَوَاهُ مَالِكٌ فِي «الْمُوطَأِ» بِإِسْنَادِهِ الصَّحِيحِ [2/953].

قَوْلُهُ «هَجَرْتُ» أَيُّ بَكَرْتُ، وَهُوَ بِتَشْدِيدِ الْجِيمِ.

قَوْلُهُ: «اللَّهُ فَعُلْتُ: اللَّهُ» الْأَوَّلُ بِهَمْزَةٍ مَمْدُودَةٍ لِإِسْنَفِهِامَ، وَالثَّانِي بِأَلَا مَدٍّ.

390. Абу Идрис Хавлоний роҳимахуллоҳдан ривоят қилинади:

«Димашқ масжидига кирсам, тишлари яраклаган бир йигит турибди. У билан бирга ҳам одамлар ўтиришибди. Агар бирор масалада ихтилоф қилишса, бу йигитга мурожаат қилишар эди. Бу йигит нима деса, ўшани қабул этишар эди. Шунда мен бу йигит ҳақида сўрасам, «Бу Муоз ибн Жабалдир», дейишди. Эртаси кун барвақт масжидга келсам, Муоз мендан

ҳам олдин келибди. Мен уни намоз ўқиётган ҳолда топдим. Намозни тугатишини кутиб турдим. Қачонки, намозини ўқиб бўлгач олд томонига ўтиб салом бердим. Ва: «Аллоҳга қасам, мен сизни яхши кўраман», дедим. Муоз: «Аллоҳ йўлида яхши кўрасанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ йўлида», дедим. Муоз: «Аллоҳ йўлида яхши кўрасанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ йўлида», дедим. Шунда у зот ридоимнинг бир томонидан ушлаб ўзига тортди-да, «Хурсандлик хабарини бергин, чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳ таоло: **«Менинг йўлимда бир-бирларини яхши кўрувчиларга, Менинг йўлимда мажлис қуриб ўтирувчиларга, Менинг йўлимда бир-бирларини зиёрат қилувчиларга ҳамда Менинг йўлимда пулларини сарф этувчиларга муҳаббатим вожиб бўлди»**, деди», деган сўзларини эшитганман», дедилар».

Имом Молик «Муватто» китобларида саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Яхши кўрувчи киши яхши кўрган кишига билдириб қўйиши.
2. Ибодатга машғул бўлиб турган киши олдига келинса, то у ибодатни тугатгунича безовта қилмаслик.
3. Бир инсонни олдига зарур иш билан борилса, у кишининг олд томонидан борсин.
4. Олим одам кишиларга бирор масалани айтганда Қуръон ёки ҳадисдан далил келтириши.
5. Сўзлашдан олдин салом бериш.
6. Аллоҳ йўлида дўстлашишнинг фазилати улкан экани.
7. Аллоҳ йўлида муҳаббат қилишнинг мевалари: ўзаро зиёрат, моддий ёрдам қўлини чўзиш ва кафиллик бўлиб, буларнинг барчаси Аллоҳ йўлида муҳаббат қилишни мустаҳкамловчи нарсалардир.

Манба: hadis.islom.uz



